

# ЖДПИ: ЯНГИЛАНИШ, ЎҚУВ ВА ТАРБИЯДА ЮКСАК САМАРАДОРЛИК ҲАМДА СИФАТ КЎРСАТКИЧЛАРИ УЧУН!

ILM OLMOQQA INTILISH – HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZ

# Ziyo chashmasi

ABDULLA QODIRIY NOMIDAGI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 7 (236)

2015 YIL, 25 iyun

ISSN-2010-9393

1993 YIL, 21 MARTDAN SHIQA BOSHLAGAN



## АХБОРОТ

### Болалик - бегуборлик

2015 йил 30 май куни институт маданият саройида 1 - июнь - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан мактабгача ва бошланғич таълим факультетининг «Болаларга беринг дунёни» мавзусидаги тадбири бўлиб ўтди. Тадбирни илмий ишлар проректори М. Султонов кириш сўзи билан очди. Унда Зомин тумани 2-сонли «Шодлик» мактабгача таълим муассасаси, Жиззах шаҳридаги 29-сонли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари иштирок этдилар. «Орзуларим олами» мавзусида асфалтга расм чизиш, «Согломжон - полвонжон» спорт мусобақалари, кўргазмалар, «Качал палвон байрамга келди» театрлаштирилган тамоша, шоу концерт дастури намойиш этилди.

Тадбир институтимиз мусиқий таълим йўналиши талабаларининг чиқишлари билан янада файзли ўтди.

Наргиза КАРИМОВА,  
кимё йўналиши талабаси.

### Обод юртнинг бахтиёр ёшлари

Юнус Ражабий номидаги вилоят мусиқали драма театрида Жиззах Давлат педагогика институти ҳамда Жиззах политехника институти ҳамкорликда «Обод юртнинг бахтиёр ёшлари» мавзусидаги шоу концерти намойиш этилди.

Тадбирда ЖДПИ ички назорат ва мониторинг бўлими бошлиғи Сарвар Назарқосимов ва ЖПИ Маънавий-маърифий ишлар проректори Нормурод Алимовлар табрик сўзи билан чиқдилар. Тадбирда куй-қўшиқлар, Кувноқлар ва зукколар жамоасининг ва театр жамоасининг чиқишлари намойиш этилди.

Латифжон ЁҚУБОВ,  
ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

### Депутат билан учрашув

Жиззах вилоят Маънавият-тарғибот марказида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатасига Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар билан учрашув ташкил этилди. Тадбирда Ўзбекистон экологик ҳаракатига Жиззах вилоятидан сайланган депутат Ойбек Мамараҳимов иштирок этди.

Йиғилишда профессор-ўқитувчилар ва талаба-ёшлар иштирок этишди. Ўзбекистон экологик ҳаракатидан сайланган депутат Ойбек Мамараҳимов ҳозирги кундаги экологик аҳвол, экологияга оид қабул қилинаётган қарорлар тўғрисида гапириб ўтди.

Иштирокчилар томонидан берилган саволларга маърузачи томонидан жавоблар берилди.

Ҳаётжон ЭГАМБЕРДИЕВ,  
«Зиё чашмаси»нинг  
жамоатчи мухбири.

### Ҳисобот концерти

2015 йил 29 май куни институт маданият саройида бошланғич таълим йўналиши талабаларининг ҳисобот концерт дастури намойиш этилди. Тадбирни маънавий-маърифий ишлар проректори А. Тангинов кириш сўзи билан очиб берди. Ҳисобот концерт дастурида мусиқий таълим йўналиши талабаларининг дастурдан жой олган 22 та чиқишлари намойиш этилди. Концертда профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг ота-оналари, талабалар иштирок этишди.

Тамара АҲМЕДОВА,  
ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

27-июнь - Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун

### Миллий журналистикамиз

### ташкил топганига 100 йил тўлди

Ҳеч кимга сир эмаски, 27 июнь Республикаимизда матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун сифатида нишонланиб келинади. Ушбу кунда босма оммавий ахборот воситалари, телевидение, радио ва замонавий интернет журналистикасида, шунингдек, матбаа соҳасида самарали меҳнат қилаётган заҳматқаш ҳамкасбларимиз ўзларининг касб байрамларини нишонлайдилар. Шу ўринда савол тугилади, нега айнан шу кун матбуот кун деб белгиланган, унинг қандай тарихи мавжуд?

Ўзбекистон матбуотининг тамал тоши қўйилганига, яъни биринчи миллий газетамиз «Тараққий» чоп этилганига 100 йил тўлди. Президентимизнинг 1993 йил 24 июндаги «Ўзбекистон Республикаси матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кунини белгилаш тўғрисида»ги фармонида мувофиқ «Тараққий» газетасининг илк сони чиққан сана - 27 июнь Республика матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходим-

Маънавиятни асраш, аввало, инсонийликни, инсоннинг ўзини асрашдир. Ислон КАРИМОВ.

лари кун деб белгиланган. Гарчи бунга қадар туркий мутафаккир аждодларимиз томонидан турли шаклларда публицистик асарлар яратилган бўлсада, бу нишона сон, том маънода, ўзбек журналистикасининг расман бошланиши эди.

XX аср ўрталарига келиб ўзбек журналистикасининг янги ва замонавий тармоқлари - телерадио журналистикаси ташкил топди. Бугунги кунда эса янада янгиланган - интернет журналистикаси ҳам миллий журналистика тизимимизда ўз ўрнига эга бўлиб бормоқда.

Бу йил ўзбек журналистикасига асос солинганлигининг 100 йиллигини нишонламоқдамиз. Шу муносабат билан барча ҳамкасбларимизни касб байрамлари билан табриклаймиз!

«Зиё чашмаси» газетаси  
ижодий жамоси

## ХУШҲАБАР

«Зиё чашмаси» газетаси мухбири -  
«Йилнинг энг фаол ёш журналисти»  
танлови ғолиби

27 июнь - Ўзбекистон матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари кун муносабати билан Республика журналистлари ижодий уюшмаси вилоят бўлими томонидан эълон қилинган «Йилнинг энг фаол журналисти» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Танловда 10 дан зиёд номинация бўйича ғолиблар аниқланиб, совриндорлик дипломи ва эсдалик совғалари тантанали суратда топширилди.

Кувонарлиси шундаки, танловда иштирок этган газетамиз ходими Орифжон Одилов танловнинг «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритди ҳамда унга «Йилнинг энг фаол ёш журналисти» дипломи топширилди.

Шунингдек, ўтган бир йил давомида газетамиз саҳифаларида ўзларининг ижтимоий мавзудаги мақолалари билан фаол иштирок этган мухбирларимиздан ўзбек тили ва адабиёти йўналиши талабалари Ҳаётжон Эгамбердиев ва Шодиёна Абдуғаппарова, мусиқий таълим йўналиши талабалари Булбулноз Қобилова ва Нигора Ҳасанова, инглиз тили ва адабиёти йўналиши талабаси Зулфизар Ташанова, меҳнат таълими йўналиши талабаси Илёс Атабеков ва педагогика-психология йўналиши талабаси Шахноза Эрназаровалар институтимиз раҳбариятининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирландилар.



Вилоят ҳокимлиги шахримиздаги «Висол» тантаналар мажмуасида вилоят оммавий ахборот воситалари ходимлари учун зиёфат дастурхони уюштириб, матбуот ва матбаа фахрийлари ва фаол журналистларга вилоят ҳокимлигининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Танловда совриндорликни қўлга киритган мухбиримизнинг кейинги ижодий фаолиятлари-га омадлар тилаб қоламиз.

СУРАТДА: «Зиё чашмаси»  
газетаси ходими, ўзбек тили ва адабиёти  
факультети талабаси Орифжон Одилов.

### Адабиётга эътибор - маънавиятга эътибор!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 18 майдаги Республика «Китоб байрами»ни ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисидаги мажлис баёни ижросини таъминлаш мақсадида Жиззах шаҳри «Ёшлар шаҳарчаси»да «Адабиётга эътибор-келажакка, маънавиятга эътибор» шиори остида ўтказилган тадбирда институт профессор-ўқитувчилари, талабалари ҳамда АРМ кўргазмалари билан иштирок этдилар.

Мадина ҚАРШИЕВА,  
география йўналиши талабаси.

### Тақдирлаш маросими

Жиззах шаҳри Сангзорқўл мажмуасида «Умид ниҳоллари-2015» спорт мусобақаларининг финал босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб, унда институт раҳбарияти, профессор-ўқитувчилари ҳамда талаба-ёшлар иштирок этишди. Тадбирда вилоят ҳокими Сайфишдин Исмоилов иштирок этди ва мусобақа иштирокчиларини қизгин табриклади.

Ғолиблар тақдирланиб, концерт дастури намойиш этилди.

Иқболлой АБДУЛЛАЕВА,  
бошланғич таълим ва  
СТИ йўналиши талабаси.

## Хотира - муқаддас!

Атоқли тилшунос олим, институтимиз ташкилотчиси, ўзбек сўзлашув нутқи мактабининг асосчиси профессор Бозорбой Ўринбоев таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан институт маданият саройида «Илм ва таълим фидойиси» мавзусида тилшунос ва адабиётшунос олимларнинг Республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди.

## ИЛМ ВА ТАЪЛИМ ФИДОЙИСИ

Бозорбой Ўринбоев 1936 йил 3 июнда Самарқанд вилояти Жомбой туманининг Фазира қишлоғида туғилган.

Аввал етти йиллик маълумотни Фазира қишлоғидаги мактабда олади. Ақлини танибдики, ўқитувчилик касбига меҳр қўяди. 1950 йилда етти йиллик мактабни тугатгач, 1954 йилгача Самарқанд педагогика билим юртида ўқиб билим олади.

Педагогика билим юртидаги таҳсил имтиёзли диплом билан якунланди. Ўзбек тили ва адабиётига бўлган ҳавас уни Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети филология факультетида илм сирларини ўрганишни давом эттиришга етаклади. Бозорбой Ўринбоевнинг илмий тадқиқот ишларида кизиқиши талабалик пайтларидаёқ шакллана борди. Университетда йирик тилшунос, адабиётшунос олимлар У. Турсунов, В. Абдуллаев, А. Сулаймонов, Х. Бердиёров, Х. Дониёров, О. Икромов каби устозлардан билим сирларини мукамал ўрганди ва улар билан яқин алоқада бўлди. Талабалик йиллари давомида у сўз оламининг сехри нимадалигини билиш нштиёқи билан яшади.

1959 йили университетни тугатгач, жонажон деганга қайтиб келди. 1959-1961 йиллари 28-мактабда, сўнгра 2-ўрта мактабда дастлаб ўзбек тили ва адабиёти муаллими, кейин илмий бўлим мудири ва ниҳоят мактаб директори вазифаларида фаолият кўрсатди.

Илмга иштиёқ уни сеvimли университетига - аспирантурага бошлади. Аспирантурани ўз муддатида (1961-1964) хатмлаб, 1964 йил 18 сентябрда «Ҳозирги ўзбек адабий тилида вокатив категория» мавзусида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилди. Зеро, олим ўз келажагини фақат илмда кўра олган эди. Илм йўлидан бориш орзуси билан 1965-1967 йиллар Қарши Давлат университетиде доцент, Самарқанд Давлат педагогика институтида доцент, кафедра мудири, ўқув ва илмий ишлар проректори, ректори (1967-1974) бўлиб ишлади.

У Жиззах вилоятининг ташкил этилиши муносабати билан Жиззахда педагогика институтининг ташкилотчиси ва ректори сифатида фаолият кўрсатди. 1992 йил охирида Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги қошидаги ўқув-услубий марказ директори ўринбосарлигига ўтказилди. 1993 йил январда Самарқандга қайтиб кооператив институтида тиллар кафедраси мудири сифатида меҳнат қилди.

1995 йил февраль ойидан бошлаб Самарқанд давлат чет тиллар институтининг умумий ва амалий тилшунослик кафедрасига раҳбарлик қилди. 1997 йил июнь ойидан бошлаб Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университети Матншунослик илмий-тадқиқот маркази бошлиғи, 1999 йил 11 сентябрдан СамДУ илмий кутубхонасининг бош директори, 2000 йил октябрдан университет ўзбек тилшунослиги кафедрасининг профессори лавозимларида ишлади.

Б. Ўринбоевнинг кўп йиллик самарали илмий ва педагогик фаолияти ҳукуматимиз ва халқимиз томонидан юқори баҳоланиб, у «Шавкатли меҳнат учун», «Меҳнат ветерани» медаллари, «Меҳнат Қизил Байроқ», «Октябр инқилоби» орденлари, Ўзбекистон ва Иттифоқ халқ маорифи аълочиси, «Мустақиллик» нишонлари, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг фахрий ёрликлари, Алишер Навоий номидаги Самарқанд Давлат университетида «Хизмат кўрсатган профессор» унвонлари билан таъдирланган. 2003 йилда «Antique Word» Халқаро илмий академиясининг академиги этиб сайланган.

Устоз бутун умри давомида илмга ва меҳнатга собит эътиқод билан яшади. Бугун устоз бошлаган хайрли ишлар фарзандлари ва шогирдлари томонидан давом эттирилмоқда.

Мардонкул ТУРСУНПҲЛАТОВ,  
ўзбек тили ўқитиш  
методикаси кафедраси доценти

## Ёшларга оид давлат сиёсати амалда!

## ИШИД БАЛОСИ

Фикр

XXI аср инсоният тарихига фан-техниканинг мислсиз жадаллашуви,

ахборот технологиялари ва тараққиёт асри сифатида муҳрлангани бор гап. Афсуски, шу билан биргалликда турли гайриинсоний тузилмалар, оқимлар ва гуруҳларнинг арж олиши ва хуруж қилиши ҳам шу асримиз меваси бўлди.

Бугунги кунда дунё халқларини жиддий ташвишига сабаб бўлаётган бузгунчи ва ёт оқимлардан бири ИШИД балосидир.

Даставвал, ИШИД асли нима, деган саволга тўхтайсак.

ИШИД Кичик Осиё ва Яқин Шарқ давлатлари теварағида пайдо бўлган диний-экстремистик тузилма бўлиб, улар ўзларини Ироқ-Шом Ислом давлати деб атайдилар. Ўрни билан айтиб ўтишимиз лозимки, бу тузилма на дунёвий демократик давлатлар ва на диний-исломий давлатлар томонидан тан олинмаган ва бирорта ҳам халқаро ҳуқуқ субъектлари - халқаро ташкилотлар томонидан расмий рўйхатга олинган эмас.

ИШИД балоси янги асримизнинг биринчи ўн йиллигида пайдо бўлди ва сайёраимизнинг қайси бурчағида гайриахлоқий характердаги кимсалар борки, барини ўзига жалб этмоқда.

Яна шуни ҳам таъкидлаб ўтиш жоизки, ИШИДчилар орасида Марказий Осиёлик экстремистлар ҳам мавжуд. Улар ўзларининг чиркин гоёларини турли-туман йўллар билан радио, телевидения

ва энг ёмони ёшларнинг катта қисмини ўзида бирлаштирган интернет ва ижтимоий тармоқлар воситасида тарқатмоқдалар.

Бугунги жадаллашув замони инсоният тараққиёти ютуқларидан фойдаланиш билан биргалликда, мудом огоҳ бўлишни ҳам тақозо қилмоқда. Ўз ватанларидан воз кечиб, олисларга, ваҳшийлар ин қурган овлоқларга кетиб бораётган кимсалар билсалар эди, олдинда уларни нақадар тақдир, хорлик кутиб турганлигини.

Тинч ва осуда мамлакатимиз, унда яратиб берилаётган ҳар томонлама шарт-шароитлардан унумли фойдаланиш, уни асраб-авайлаш, унга муносиб авлод бўлиш ҳар биримизнинг бурчимизку!

Шу ўринда шоирнинг шундай мисралари ёдимизга тушади:

Бошинг эгиб, таълим айла,  
шукрона айт.  
Сени гулдай эркалаган чаман  
учун,  
Осмонларда юрган бўлсанг  
тупроққа қайт,  
Айтгин дўстим, нима қилдик  
Ватан учун?

Озод ва барқарор мамлакатимиз, ундаги тинчлик-осудаликнинг қадрига ҳар биримиз масъулмиз.

Бугунги жадаллашув замони ўта зийраклик ва огоҳликни талаб этади. Шундай экан, огоҳ бўлайлик, тенгдошлар!

Илём АТАБЕКОВ,  
меҳнат таълими  
йўналиши талабаси.

26-июнь - Бутунжаҳон  
гиёҳвандликка қарши  
курашиш куни

## Соғлом турмуш тарзи тарафдоримиз!

Институтимиз маданият саройида «26 июнь - Бутун жаҳон гиёҳвандликка қарши курашиш куни» муносабати билан «Соғ танда соғлом ақл» шиори остида талбир ташкил этилди.

Талбирда институт ректорати вакиллари, профессор-ўқитувчилар ва талабалар, шунингдек, вилоят наркологи диспансери ҳамда ИИБ ҳодимлари иштирок этишди.

Нотиқлар гиёҳвандликнинг оғир оқибатлари, инсон онгу шури, иродаси, саломатлиги ва келажак авлодга етказажак бемисл фожеалари ҳақида батафсил тўхталишди. Талабаларнинг фикр-мулоҳазалари тингланди.

Шоҳсанам ЙЎЛДОШЕВА,  
Кимё йўналиши талабаси.

## Маълумот ўрнида!

- Бугунги кунда ер юзида 500 миллион инсон гиёҳвандлик балосига мубтало бўлган.

- Ер юзида наркобизнесда айланаётган пул маблағлари дунё аҳолисининг озиқ-овқат, кийим-кечак, тураржой, таълим тизими ва тиббий хизматга сарфланаётган харажатлардан икки баробар кўп.

- Ҳар йили ер юзи бўйлаб 200 мингдан зиёд киши гиёҳвандлик сабаб ҳаётдан кўз юмади. Уларнинг 20%ни болалар ташкил қилади.

«gov.uz»дан олинди.

## Ойдинда ой қидирма...

Институтимиз маданият саройида «Аёллар хусусида», «Вертуал хатар», «Ойдинда ой қидирган ожизлар» номли фильмлар намойиш этилди.

Фильмлар намойишидан сўнг институт профессор-ўқитувчилари ва талабалари иштирокида фильмда акс эттирилган ҳолатлар юзасидан фикр-мулоҳазалар ўртоқлашилди.

Давра суҳбатида вилоят прокуратораси ходими Мақсуджон Сатторов иштирок этди. У ўз сўзида бугунги дунёда кечаётган сиёсий вазият, юз бераётган воқеаликлар ҳақида атрофлича тўхталиди.

Ислом динини ниқоб қилиб олган «ИШИД» деб ном олган ташкилотнинг разил мақсади ҳаммага аён бўлиб турибди. «ИШИД»нинг мақсади дин ниқоби остида халифалик давлатини ташкил қилиш, турли хил тўнтариш йўллари билан халқни, давлатни барбод қилиш эканлигини, бу ташкилотга интернет, турли даъватлар орқали ёшларнинг қўшилиб қолаётганлиги, айниқса, аёллар, ёш қизларнинг алданиб ўзга юртларда хор-у зор бўлаётганлиги, ачинарлиси бу кимсалар орасида Ўзбекистон фуқаролари ҳам борлигини айтиб ўт-

### Огоҳлик

ди. Қотиллик, босқинчилик, ваҳшийлик каби гайриинсоний ҳатти-ҳаракатлар ислом дини маданияти ва таомилига мутлақо зид эканлигини, бундай ақидапараст оқимларнинг чорловлари алдовлардан бошқа нарса эмаслигини таъкидлаб, ёшларни огоҳликка чақирди.

Тинч юртимизда билим олиб, касб эгаллаб, яратилган шароитлардан оқилона фойдаланиб, мустақил Ўзбекистонимиз равнақиға ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз даркор, деди сўзи якунида.

Шундан сўнг, институт маънавий-маърифий ишлар проректори А. Тангиров сўзга чиқиб, фильмдаги воқеаларни таҳлил қилиб, талаба ёшларни огоҳлик ва хушёрликка, тинч ва осуда ҳаётимиз қадрига етиб, билим чўққиларини эгаллаб, юртимиз келажағига муносиб фарзанд бўлишларига даъват этди.

Фильмлар хусусида талабалар томонидан фикрлар билдирилди.

Гулноза ИРИСЕВА,  
ўзбек тили ва адабиёти  
йўналиши талабаси.

XAVVIYA



Талабалар ижодидан

## INTERVYU

Assalomu alaykum, hurmatli gazetonlar! Xabaringiz bor, har galgi sonimizning «Tomdan tarasha» rukni orqali o'zbek shou-biznesining biror-bir chaqragan yulduzi bilan suhbat uyushtirib, siz muxlislarining ko'nglingizni xushnud qilib kelamiz. Bu galgi mehmonimiz ajoyib iste'dod egasi, kinoaktyor va rejissyor, o'zbek estradasi yulduzi, qo'shiqchi, xullas, serqirra ijodkor Mister Jon Zak bo'ladi.

Assalomu alaykum, mister Jon Zak, tahririyatimizga hush kelibsiz.

J.Z.: Vaalaykum assalom. Sizlarga ham katta rahmat, bizni kamtarona ijodimizni yoritishga bel bog'laganlaring uchun.

Muxbir: Mister Jon Zak, sizga dastlabki savolimiz shundan iboratki, sizning muxlislaringiz ko'pchilikni tashkil qiladi. Bunday taxallus ostida ijod qilishingiz sababi ularni qiziqitirsa kerak, albatta. Shu haqida so'zlab bersangiz.

J.Z.: Ajoyib savol. Endi men sizga aytsam, aslida otamiz bizga Jonuzoq deb ism qo'ygan ekanlar. Lekin keyinchalik ijod dunyosiga kirib kelgach bu ism ustozimizni unchalik qoniqtirmadi. Ustozimizni bilsangiz kerak, elimiz suygan ijodkor Gado Sado bo'ladi. Xullas, u kishi «Ijodkorning taxallusi ham zamonaviy, ham jarangli bo'lgani ma'qul», deydi. Shu kishining maslahatlari bilan mazkur taxallusni qabul qilganmiz.

Muxbir: Ajoyib, juda qiziq. Javobingiz uchun rahmat. Keyingi savolga o'tsak. Mana siz o'zbek kinosini rivojlantirish yo'lida bir qancha ishlarni amalga oshirmoqdasiz. Shu to'g'risida ham to'xtalsangiz.

J.Z.: Darhaqiqat, kino san'atini o'zining qismatim deb bilaman. Keyingi vaqtlarda ijodiy guruhimiz bilan bir qator kinokartinalarni suratga oldik. Bular muxlislarimiz tomonidan ancha iliq kutib olindi. Hattoki eng so'nggi olgan filmimiz juda katta shuhrat qozondi, deyishimiz mumkin. Agar sezgan bo'lsangiz katta shov-shuvlarga sabab bo'lgan «Lo'li qizning xurjuni» filmi haqida gapiryapman.

Muxbir: Chindan ham bu filmni ancha vaqt odamlar tilidan qo'yadi. Surunkasiga bir oy davomida katta ekranlardan tushmaganligi ham filmning katta muvaffaqiyat qozonganligidan, albatta. Endilikda yana qanday ijodiy rejalar ustida ish olib bormoqdasiz, agar sir bo'lmasa?

J.Z.: Biz yuqoridagi filmni suratga olgach juda ko'plab muxlislarimizdan maktublar oldik. Turli davralarda fikr-

mulohazalar bildirildi. Shundan so'ng millionlarning talab va istaklarini inobatga olgan holda filmning ikkinchi qismini ham olishga qaror qildik. Muxlislarimizga kichik sirni ochsam: filmning suratga olish ishlari boshlab yuborilgan. Bu film «Lo'li qizning xurjuni-2, yoxud Lo'li qizning yangi sarguzashtlari» deb nomlangan.

Muxbir: Bu filmingizga qaysi aktyorlarni taklif qildingiz?

J.Z.: Biz bu kinokartina mutlaqo yangi qiyofalarni gavalantirishga va imkon qadar filmni ishonarli chiqishiga urinyapmiz. Hatto, kino hayotiy chiqishi uchun pistafurush xola obraziga aynan mahalla boshida pista, qurut, tamaki bilan savdo qiladigan savdogar opani taklif qildik. U kishidagi uzoq yillik tajriba filmning muvaffaqiyat qozinishida qo'l keladi, bizningcha.

Muxbir: Juda ajoyib. Mana aziz muxlislar, guvohi bo'layotganingizdek, chindan ham Mister Jon Zakdagi novatorlik qobiliyatiga tan bermay ilojimiz yo'q. Mister Jon Zak, sir emaski, siz o'zingizni milliy estradada ham sinab ko'rdingiz. Qo'shiqchilik sohasidagi izlanishlaringiz haqida o'rtoqlashsangiz.




J.Z.: O'rinni savol. Men sizga aytsam, albomdan o'rin olgan qo'shiqlar mavzusini imkon qadar xilma-xillikda yozdik. Masalan, Vatanparvarlik ruhida «Qishlog'imiz kurkasi», sevgi-muhabbat mavzusidagi «Nur boboning kampiri» qo'shiqlari aynan shu audioalbondan joy olgan. O'rni bilan aytib o'tay: Tannoxxonning iste'dodi, ayniqsa, «Muhabbatning ko'zi ko'r» deb nomlangan duet qo'shiq izmida yaqqol namoyon bo'ldi.

bersangiz.

J.Z.: (O'ylanib qoladi) Bilmadim, bu muxlislarimizga qiziq deb o'ylayman. Ya'ni, biz yaqinda yosh muxlislarimiz uchun ham ijod qilishga urinib ko'rdik. Yani, multiplikatsiya sohasida. Ancha vaqtdan beri xorij multfilmlarini ko'rib, o'ylanib yurardim. Axir o'zimizning multfilmlarni yaratsak bo'lmaydimi, degan savol menga tinchlik bermasdi. Shu mulohazalar mahsuli sifatida «Qurbaqaning sevgisi» deb nomlangan multfilm yaratdik. Tez kunlarda bu zangori ekran orqali bolajonlarga namoyish etiladi.

Muxbir: Mister Jon Zak, shu qisqa suhbatimiz davomida sizning naqadar serqirra ijodkor ekanligingizga yana bir bor ishonch hosil qildik. Sizga so'nggi savolimiz, hayotdagi shioringiz?

J.Z.: Fil fontanda cho'mildi, faqat yarmi ko'mildi, degan ajoyib shiorim bor. Bu shior yuqorida aytib o'tganim, ustozimiz Gado Sadodan o'rganganman.



J.Z.: Bugungi jadallashuv zamonini biz iste'dod ahlini bir daqiqa ham to'xtalishimizga yo'l qo'yamaydi. Aytganingizday, yaqinda o'zimizni milliy estrada olamida ham sinab ko'rdik. Bir qancha qo'shiqlar yaratdik. Nasib etsa, bu qo'shiqlarga klip suratga olish rejalarimiz ham yo'q emas.

Muxbir: Mister Jon Zak, uzunquloq gaplarga qaraganda audioalbom ustida ishlayotgan emishsiz.

J.Z.: Ha, to'g'ri eshitibiz. Biz mana bir oydirki, iste'dodli qo'shiqchi singlimiz Tannoxxon bilan hamkorlikda audioalbom ustida ish olib boryapmiz. Bu albomimiz «Battar bo'lsin» deb nomlanib, yigirmadan ziyod qo'shiqni o'z ichiga oladi.

Muxbir: Aytingchi, bu albomdan joy olgan qo'shiqlar asosan qanday mavzularga bag'ishlangan?

Bu qo'shiq matni elimiz suygan shoir Dumbuliyning «Kesakdan sado» saylanma to'plamlaridan olingan bo'lib, qo'shiq avjida qirq sakkiz marta «Tomga qo'ydim shotini, anavi kimning xotini» misralari takrorlanib keladi.

Muxbir: Agar yangilishmagan bo'lsam, o'tgan yili katta ekranlarga chiqqan «Tom boshida tog'ora» filmingizga yozilgan sauntreknini ham Tannoxxon kuylagan edilar?

J.Z.: Xuddi shunday. Bu sauntreknini dunyoga kelishida ham Tannoxxon bilan ancha mehnat qilganmiz. Qariyb bir haftalik mehnatimiz mahsuli sifatida siz eslab o'tgan «Qo'shni kampir nidosi» sauntreki dunyoga kelgandi.

Muxbir: Mister Jon Zak, muxlislarimizga hali mutlaqo ma'lum bo'lmagan ijodingizdagi yangiliklar haqida gapirib

Muxbir: Mana aziz muxlislar, shuning bilan siz sevgan iste'dodli ijodkor mister Jon Zak bilan qurgan mazmunli suhbatimiz o'z nihoyasiga yetdi. Yana qanday ma'lumotlarni bilishni istaysiz, bizga maktub yozing. Mister Jon Zak, so'zimiz yakunida muxlislarimizga tilaklaringiz?

J.Z.: Muxlislarimiz omon bo'lishsin. Unutmanglar biz faqat sizlar uchun ijod qilamiz. Ijod namunalarimizni tinglab-tomosh qilishingizda yaratgandan sabr-toqat tilaymiz.

Mister Jon Zak bilan «Ziyo chashmasi»ning maxsus muxbiri Orifjon ODILOV, suhbatlashdi.

## ЕН ДАФТАР КАТИДАН

Ishonch bu - muvaffaqiyat kaliti demakdir. Bugun siz qanday kiyingansiz, qancha pulingiz bor - buning also ahamiyati yo'q. Kimki intilsa, muvaffaqiyat o'shaniki.

Aslida kimga nima kuch-quvvat baxsh etadi-yu, boshqalar nega sust, bayovligicha qolaveradi? Nega ayrimlar taqdirning shafqatsiz zarbalariga zarracha e'tibor bermay, o'zlari orzu qilgan istiqboliga nazar tashlab, muammolar girdobidan o'tadilar, maqsadga yetadilar? Shu bilan bir vaqtda esa boshqalar umidsiz hatti-harakatlar ichida bitmas-tuganmas xatolarga yo'l qo'yadilar, oqibatda hech narsaga ega bo'lmaydilar.

Siz qanchalik muvaffaqiyat sari oldinga qarab borsangiz, u shunchalik yaqin keladi. Juda ko'pchilik kishilar g'alabaga bir qadam qolganda ishini tashlab ketishadi. Esingizda bo'lsin: siz tashlamagan qadamni boshqalar tashlaydi.

Maqsad sari intilish kattami-kichikmi, har qanday muvaffaqiyat sinov toshi sanaladi. Har qanday kuchli erkak ham maqsad sari intilgan go'dakdan yengilishi mumkin. O'zingizning tutgan o'ringiz haqidagi tasavvurni o'zgartirmang, ana o'shanda siz amalga oshmagan narsalarga erishasiz. O'z ishonchingiz va qat'iyatingizga boshqalarni ham ishontiring. Unutmang, siz ham bajarish mushkul bo'lgan ishini amalga oshira olasiz.

Istaklar amalga oshgach, orzular ro'yobga chiqadi. Hayotdan ko'p narsa tilasangiz, u sizga ko'p narsa ato etadi. G'alaba qozonishni istagan kishi ortidagi ko'priklarni,


chekinganda yo'ldagi barcha narsalarni yondirmog'i lozim. O'shanda g'alabani qizg'in istagini xuddi shu tarzda saqlash mumkin, bu muvaffaqiyat uchun juda zarur.

Kimki aqlini mashq qildirishga o'rganmagan bo'lsa, bu maslahatlar bema'ni tuyulishi mumkin. Yana shuni aytish joizki, mazkur tamoyillarni ularda faqat pullarni jam'arib qolmasdan uning yordamida har qanday maqsadni amalga oshirish mumkinligini payqash lozim.

Yana bir gap: agar siz o'z muvaffaqiyatingizga o'zingiz ishonmas ekansiz, hech qachon g'alaba sizniki bo'lmaydi.

Mahliyo NORMURODOVA, Navoiy nomidagi davlat stipendiyasi sovrindori.

Биз истиқомат қилаётган Она юрт азалдан буюк қомусий мутафаккирлар маскани бўлиб келган ва кўҳна тарих мобайнида башарият тамаддуни равнақига улкан ҳисса қўшган Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Беруний, Ал-Фарғоний каби не-не зотлар етишиб чиққани ҳаммага маълум.



Илм бобида қадимий Шарқ билан Ғарб доимо бир-бири билан ўзига хос мусобақа қилиб келади. Ана шу мусобақада буюк аждодларимиздан кўҳна тарихга муҳрланиб қолган голибликни қайтадан тиклаш ва асраб қолишни назарда тутган Президентимиз мустақилликка эришганимиздан оқил-фан ривожига юксак эътибор қаратди ва 1993 йилдаги Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат илмий-техника сиёсатининг устувор йўналишлари тўғрисида»ги қарори билан республика дав-

# Олам сирларини олим очади

Устознинг техникага бағишланган 8та ихтироси, жумладан, «XXI аср пахта териш машинаси» ва «Сувнинг гидродинамик қаршиликни аниқлаш бўйича формула» тан олинди ва бронза медали ҳамда дипломлар билан тақдирланди.

Шу сингари устознинг қишлоқ хўжалигига тааллуқли дунё экинларини қуёш йўлига мувофиқ экиш назарияси ва тажрибаларининг натижаси «Тоғавнинг бутун қишлоқ хўжалиги тарихидаги ҳеч ким рад этолмайдиган муҳим назарияси ва тажрибалари» деб номланган мавзуда эълон қилинди.

Энг қувончлиси шундаки, устознинг мазкур 5та йўналишда голиб бўлган ҳар бир иши учун шу соҳаларнинг «Sorist» (мыслитель) мутафаккири деган диплом берилди ва ана шу тарих, биология, физика, математика, техника йўналишлари бўйича бутун дунё илмий ишлар таҳлили бўйича чемпионатининг Президенти Роберт Оливер имзоси ва муҳри билан устозни 2021 йилгача муддатга «Халқаро фанлар академияси ва олий таълим» чемпионати эксперт аъзолигига қабул қилинди ва 5та Ўзбекистон байроғи туширилган диплом ҳамда устознинг исми фамилияси эълон қилинган кўкрак нишони берилди.

Устоз томонидан Архимед қонуни таҳлил қилиниб, унинг моҳияти барчанинг тасавуридагидек тўғри эмаслиги исботланди ва тадқиқоти натижасини 2013 йил 28 июнда Россияда бўлиб ўтган «Илмий кашфиётлар оламида» халқаро илмий-амалий анжуманга тақдим этди. Анжуманда устознинг назария ва тажрибаларини «Архимед қонунининг бузилиши ва қўлланилиш чегарасини «Тоғав эффект» парадокси бўйича тушунтириш» деб тан олинди, тегишли диплом билан тақдирланди ва Москвадаги «Спутник» нашриёти томонидан «В мире научных открытий» тўпламида эълон қилинди.

Бундан руҳланган устоз 2014 йилнинг 8 январида Россияда бўладиган «Янгилар сўқмоқларида» номли I-халқаро танловга навбатдаги гоёсини тақдим этди. Устознинг бу гоёсини «Физик мятник элқаси ҳолатини аниқлаш бўйича Тоғав назарияси» деб тан олинди ва устознинг исми

шарифи эълон қилинган кумуш медали, диплом ҳамда махсус гувоҳнома билан тақдирланди. Танлов голибларига бағишланган тўплам Москванинг «Спутник» нашриётида чоп этилди.

Мазкур воқеалардан сўнг устоз интернет орқали Лондон (Буюк Британия) да 2014 йили 6 ўлиб «Бутун Ғарб» ўтадиган дунё қитъалараро илмий ишлар таҳлили чемпионати»га илмий ишлар билан қатнашишга таклиф этилди.

Ана шу йиллик қитъалараро чемпионатга устоз 15та илмий тадқиқот иши билан иштирок этди ва йилнинг якунига кўра Iта олтин Iта кумуш ва 4та бронза медали, тегишли диплом ҳамда сертификатлар билан тақдирланди.

Жумладан, биология бўйича абсолют I-ўринни эгаллади. Унинг илмий иши Украинада қўлланилишига қабул қилинган ҳақидаги акт эълон қилинди. Бу гоёсининг мавзуси «Тоғавнинг биогаз станцияси» деб эълон қилинди (муаллифнинг ихтироси номи билан).

Тарихдан эълон қилинган «Мусулмонлар ҳижрий-қамарий тақвимини Григорий тақвимига ўгиришдаги тарихий хатоликлар ва уни бартараф қилиш йўли»ни абсолют 2-ўринга лойиқ деб топилди. Шунингдек физика-математика йўналиши бўйича 2та бронза медали билан тақдирланди.

Физикадан учинчи марта бронза медалга лойиқ деб топилган иши Америкада 1940-йилда Такома кўпригининг бирданига қулаб тушишининг физик моҳиятига бағишланган эди.

Устознинг техникага бағишланган 8та ихтироси, жумладан, «XXI аср пахта териш машинаси» ва «Сувнинг гидродинамик қаршиликни аниқлаш бўйича формула» тан олинди ва бронза медали ҳамда дипломлар билан тақдирланди.

Шу сингари устознинг қишлоқ хўжалигига тааллуқли дунё экинларини қуёш йўлига мувофиқ экиш назарияси ва тажрибаларининг натижаси «Тоғавнинг бутун қишлоқ хўжалиги тарихидаги ҳеч ким рад этолмайдиган муҳим назарияси ва тажрибалари» деб номланган мавзуда эълон қилинди.

Энг қувончлиси шундаки, устознинг мазкур 5та йўналишда голиб бўлган ҳар бир иши учун шу соҳаларнинг «Sorist» (мыслитель) мутафаккири деган диплом берилди ва ана шу тарих, биология, физика, математика, техника йўналишлари бўйича бутун дунё илмий ишлар таҳлили бўйича чемпионатининг Президенти Роберт Оливер имзоси ва муҳри билан устозни 2021 йилгача муддатга «Халқаро фанлар академияси ва олий таълим» чемпионати эксперт аъзолигига қабул қилинди ва 5та Ўзбекистон байроғи туширилган диплом ҳамда устознинг исми фамилияси эълон қилинган кўкрак нишони берилди.


Устоз Х. Тоғав 2013-2014 йилда Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон илм-фани саҳнасида 7 марта ҳилпиратиб, 5та фан йўналиши бўйича мутафаккир дипломига лойиқ деб топилди. Шунингдек, устозни дунё чемпионати ҳайъати томонидан 375 евро миқдорда моддий рағбатлантиришга қарор қилинди.

Устозни гўзал Ўзбекистонимиз байроғини жаҳон илм-фани мусобақасида 7 марта ҳилпиратгани билан барча ҳамюртлари, ҳамкасблари ва шогирдлари номидан чин дилдан қутлаймиз.

Т. ИСМОИЛОВ,  
К. ЮСУПОВ,  
Меҳнат таълими ва умумий техника фанлари кафедраси катта ўқитувчилари.

## СПОРТДА МАҲОРАТЛИ ФАНДА ЕТУК ТАЛАБА

Танишинг, иқтидорли ёшлар!



Бугун ўзбек фарзанди дунёнинг исталган мамлакатидан ўз иқтидорини тўлиқ намоён этиб, ҳеч кимдан кам эмаслигини исботлаб келяпти.

Институтимиз Жисмоний маданият факультети 4-босқич талабаси Жумадурдиев Баҳодир Холмаматович 1990 йил 12 декабрда Бухоро вилояти Олот тумани Бог қишлоғида туғилган. 1998 йилда Олот туманидаги 16-сон ўрта мактабнинг I-синфига борди. Баҳодир курашнинг илк сирларини отаси Халват полвон ва мураббийи Баҳром Абдулқадировдан ўрганди. Курашга бўлган қизиқи-

ши уни 2005 йилда Олот туманидаги 7-сонли Олимпия спорт мактаб-интернатига етаклади. Бу ўқув даргоҳида таҳсил олган чоғларида ҳам ёш спортчи тиним билмай ўз устида ишлади. Фанларни ўзлаштириш билан бирга кураш сабоқларини пухта ўрганди. Машгулотларда фаол қатнашди. У ерда спортнинг дзю-до ва кураш тури билан мунтазам шугулланиб мураббийларнинг ишончини оқлади. Баҳодир тиришқоқлиги, меҳнатсеварлиги билан ўз тенгқурлари орасида илмда, спортда ўзининг нималарга қодир эканлигини кўрсата бошлади. Ёш спортчи ўзининг илк медалини дзю-до спорт туридан 2006 йил Навоий шаҳрида ўтказилган Республика биринчилигида қўлга киритди. Бундан ташқари бир неча бор вилоят, Республика ва Халқаро турнирларда иштирок этиб, голиб ва совриндорлар қаторидан жой эгаллади. У 2009 йил мактабнинг II синфини аъло баҳолар билан тамомлади.

Ўз Ватанига содиқлиги ва уни қўриқлаш мақсадида 2010-2011 йилларда ҳарбий хизматда йигитлик бурчини ўтаб қайтди. Унинг спортга, илмга бўлган қизиқиши сўнмади, аксинча, билимларини ошириш истаги туғилди. 2011 йилда институтимизнинг Жисмоний маданият факультетига

давлат гранти асосида ўқишга қабул қилинди. Талабалик йилларида ҳам спортнинг кураш ва дзю-до турлари билан жисмоний маданият назарияси кафедраси катта ўқитувчиси, мураббийи Акрам Абдулаҳатов қўл остида мунтазам шугулланиб, ўз спорт тури бўйича тажрибасини янада ошириб, институт, шаҳар, вилоят, Республика мусобақаларида иштирок этди ва юқори натижаларга эришди. Баҳодир учун 2013 йил омадли келди: иқтидорли талаба олий таълим муассасаларининг талабалари ўртасида бўлиб ўтадиган «Универсиада-2013» спорт мусобақаларида қатнашиб, спортнинг кураш тури бўйича 66 кг вазн тоифасида бир-биридан қизиқарли беллашувларда дастлабки Сирдарё, кейинчалик пойтахтлик полвон, ярим финалда мезбон бухоролик полвон ва финалда андижонлик полвон устидан соф галабага эришиб, I-ўринни қўлга киритди.

Баҳодир ташаббускор талаба дўстлари билан иноқ, устоз-мураббийларга меҳрибон, жамоат ишларида фаол.

У спортчи, шу билан биргаллик факультетимизнинг илми, иқтидорли талабаларидан бири ҳисобланади. Баҳодирни илмга бўлган лаёқатини сезган тажрибали мутахассис, педагогика фанлари номзоди Фурқат

Аҳмедов алоҳида эътибор бериб, у билан жиддий шугулланди ва унга илмий ишлар билан шугулланишига йўланма берди. Ф. Аҳмедовнинг раҳбарлигида у ўқиш жараёнида ўтиладиган барча фанларни ўз вақтида аъло даражада ўзлаштириб борди. Фанлар ичидан мутахассислик фани ҳисобланган Жисмоний тарбия назарияси ва методикаси фанига қизиқиши туфайли ўтган ўқув йилида факультет миқёсида ўтказилган фан олимпиадасида II-ўринни эгаллади. 2014-2015 ўқув йилида ўтказилган мутахассислик бўйича «Жисмоний тарбия, спорт назарияси ва амалиёти» фан олимпиадасида I-босқичда юқори 366 балл тўплаб, Самарқанд шаҳрида ўтказилган Республика фан олимпиадасига йўламани қўлга киритди. Баҳодир ушбу йилнинг 13-14 май кунлари бўлиб ўтган фан олимпиадасида Ф. Аҳмедов раҳбарлигида иштирок этиб, фахрли III-ўринни эгаллади. Бу ютуқ нафақат биз мутахассисларнинг, балки факультетимизнинг, институтимизнинг, вилоятимизнинг яна бир ютуқларидандир.

Жумадурдиев Баҳодир спортда чемпион, илмда етуқ талаба. Бу талабамизни барча талаба ёшларга ибрат намуна сифатида кўрсатиш мумкин.

Иқтидорли ва спортчи талабамизнинг кейинги ишлари ва ўқишларида омад ва улкан зафарлар тилаймиз.

Б. Қўшмуродов,  
жисмоний маданият ва спорт факультети ўқитувчиси.

Бош муҳаррир Абдукарим ШАРИПОВ

Ziyo chashmasi

МУАССИС:

Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти

Тахририятга келган хатлар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Муаллифлар фикри тахририят нўқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Газета Жиззах вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2006 йил 26 декабрда 06-017 рақами билан рўйхатга олинган.

Босишга топширилган вақти - 19.00  
Топширилди - 18.00

Манзил:  
Ш. Рашидов шох кўчаси,  
Абдулла Қодирий номидаги Жиззах Давлат педагогика институти.

«Жиззах-принт» босмахонасида чоп этилди.  
Корхона манзили:  
Жиззах шаҳри, 130100.  
Сайилжойи кўчаси,  
4-уй.

Офсет усулида 6500 нусхада босилди.  
Буюртма № 330. Shaki-A-3.